

“ЭКОЛОГИЯ”

фанидан

ДАСТУР

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг долзарблигини ҳеч ким инкор этмайди. Инсоннинг хўжалик фаолиятида экологик омиллар алоҳида ажралиб туради. Табиий шароит, табиий ресурсларидан тўғри фойдаланиш кўриб чиқиладиган ва уларга иқтисодий баҳо бериладиган ҳамда уларни муҳофаза қилиш усул ва тадбирлари таҳлил қилинади.

Экологические проблемы занимают особое место в хозяйственной деятельности человека. В свою очередь неправильное, нерациональное природопользование обусловил в решающей степени возникновение и углубление экологических проблем. В данной программе речь пойдет о природных условиях и ресурсах, рациональном природопользовании, об охране природы и экономических аспектах оценки природопользования, методах и мерах по охране окружающей среды и рациональному природопользованию.

Nobody denies the actuality of using nature and saving it, ecological factors are important in human's everyday activity. Natural conditions, rational usage of natural resources, their economical estimation and style ways of saving them are analyzed.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (25 апрель 2003 йил 9 - сонли баённома)

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Амалдаги Давлат стандартига мувофиқ "Экология" фани Ўзбекистон Олий ўқув юртларининг барча мутахассислик талабаларига ўқитилади. Дастур ушбу стандарт талабидан келиб чиққан ҳолда тузилди.

"Экология" фани кўп қиррали бўлиб, организмлар билан табиий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқаларни, боғланишлар ҳамда таъсирларни, жамият тараққиётининг бугунги босқичида табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш масалалари, табиат ва жамият алоқадорлиги, шунингдек ушбу таъсир оқибатида юзага келувчи муаммоларни, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалаларини ўрганишни кўзда тутди. Бу фанни ўрганишнинг асосий мақсади ва вазифаси талабаларда маълум ҳудудлардаги табиат унсурлари ва уларнинг қонуниятлари улар билан боғлиқ тушунчалари, шу билан бир қаторда атроф - муҳит муҳофазасига йўналтирилган тадбирлар самарадорлигини таҳлил этиш ва аниқлаш усуллари хусусидаги муайян билим кўникмаларини шакллантиришдир.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

"Экология" фани турли гуманитар мутахассисликлар учун ўқув режасидаги фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўрганилади: "Замонавий табиёт билимлар концепциялари", "Фалсафа", "Математика", "Педагогика", "Ўзбекистон тарихи", "Табиий офатлар ва инсон меҳнати муҳофазаси", "Статистика", "Иқтисодий география" ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўқув фани бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

"Экология" фанидан таълим ва тарбия жараёнида талабалар:

- а) экологиянинг назарий асосларини билишлари, табиатда юз бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлишлари, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан тўғри фойдаланишни билишлари;
- б) табиий шароит ва ресурсларга баҳо бера олишлари;
- в) адабиёт ва ҳарита материалларидан фойдалана билиш кўникмаларига эга бўлишлари керак.

Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига бўлган талаблар

Фан бўйича аудитория соатларининг 50 фоизи амалий ва семинар машғулотлардан иборат. Бундай машғулотларда маъруза дарсларида ўтилган мавзулар мустақамланади. Ҳар бир мавзу бўйича белгиланган амалий машғулотларнинг 70 фоизи аудиторияда бажарилади, 30 фоизи эса талабаларга мустақил бажариш учун топширилади. Айрим мавзулар бўйича топшириқларни хариталар асосида бажариш талаб қилинади.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Фанга оид таълим институт ўқув режасига асосан 1 - босқич талабларига I семестрида олиб борилади. Таълимнинг Давлат стандартида мазкур курсга 54 соат ажратилган: уларнинг 18 соати (33,3 %) маъруза, 18 соати (33,3%) амалий машғулотлар, 18 соат (33,3 %) мустақил таълим.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Мазкур фан бир семестр давомида ўқитилади. Бу давр ичида талабаларнинг билим даражасини баҳолаш учун 2 марта жорий, 2 марта оралиқ ва 1 марта якуний баҳолаш ўтказилади. Ҳар бир жорий назоратдан талабалар энг кўпи 17,5 фоиздан жами 35 фоиз (12,6 балл), ҳар бир оралиқ баҳолашда 17,5 фоиздан жами 35 фоиз (12,6 балл), якуний баҳолашдан 30 фоиз (10,8 балл) жами 36 балл тўплаши мумкин. Талабалар билимини баҳолаш учун кафедрада ишлаб чиқилган ва Тошкент Молия институти Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган услубий кўрсатмалардан фойдаланилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Мазкур ўқув дастуридаги баъзи мавзуларга доир амалий машғулотларда статистик маълумотларни таҳлил қилишга оид компьютер дастурларидан фойдаланиш мумкин.

Экология курсини ўқитишда илғор педагогик технология бўлмиш:

1. ўқув мақсадлари ва вазифалари каталогини ишлаб чиқиш;
2. ўқув мақсадларига эришиш учун таянч сўз ва иборалар ёрдамида назорат ишлар ўтказишни ташкил қилишда фойдаланиш лозим.

Айрим дарсларда тест асосида талабалар билимини баҳолаш компьютер ёрдамида бажарилади.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Фанни ўқитиш жараёнида маъруза, амалий машғулотлар ўтиш билан бир қаторда талабаларга қўшимча билимларни бериш мақсадида тест вариантлари, таянч ибораларга асосланган ёзма ишлар ўтказилиб билимлари мустаҳкамланади. Иш дастурини тузишда намунавий дастур асос қилиб олинади. Ҳар бир кўрсатилган маъруза, амалий ва мустақил таълим мавзуларини изчил бўлиши керак ва унда мавзунинг режаси, мавзуга оид кўргазмали қуроллар рўйхати берилиши керак.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Экология" фанининг предмети, тадқиқот усули ва вазифалари, унинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси

Мазкур фан тармоғининг вужудга келишидаги ижтимоий шарт - шароитлар. "Экология" фанининг предмети. Предметнинг иқтисодий ва табиий фанлар ўртасида вужудга келиши. Фаннинг мутахассислар тайёрлаш тизимидаги ўрни ва аҳамияти. Иқтисодий, табиий ва ижтимоий ишлаб чиқаришда табиатдан фойдаланишнинг ўрни.

Табиий ресурсларни хўжалик юритишга жалб қилиш усул ва услубларини ишлаб чиқаришда "Экология" предметининг аҳамияти.

Меҳнат - инсон ва табиат ўртасидаги жараён эканлиги. Табиий муҳит инсоннинг яшаш муҳити.

Биосфера таърифи ва унинг бирлик тизимлари. Табиатга антропоген таъсир ва табиий муҳит мувозанатининг бузилиши. Табиатни муҳофаза қилиш - табиатдан фойдаланишнинг таркибий қисми. *Табиатни қўриқлаш тушунчаси. Табиат ва жамиятнинг ижтимоий - тарихий босқичлари бўйича ўзаро алоқадорлиги.*

Ишлаб чиқариш жараёнида жамият билан атроф - муҳитнинг ўзаро алоқадорлиги

Жамият ва табиат, инсон ва атроф - муҳит ўртасидаги ўзаро таъсир муаммоси. Жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларининг эволюцияси. *Биосфера ва Ноосфера тўғрисидаги таълимот.* Биосфера - улкан экологик тизим эканлиги. В.И. Вернадскийнинг биосфера ҳақидаги таълимоти. Фан - техника инқилобининг жамият ва табиатнинг, инсон ва атроф - муҳитнинг ўзаро муносабатига таъсири.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдаги жадал силжишлар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда экологияга эътибор бериш талаблари. Ресурсларни тежаш - талаб ва эҳтиёжни қондиришнинг ҳал қилувчи мезони эканлиги.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми ва атроф - муҳитни муҳофаза қилишни рағбатлантириш омиллари

Биосфера ресурсларини хўжалик юритишга жалб қилиш ҳисобига жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини узлуксиз таъминлаш.

Табиий ресурслар классификацияси (таснифи). Табиий ресурсларни табиий гуруҳларга бўлиниши. Ишлаб чиқаришда ва номоддий соҳада

фойдаланиладиган ресурслар. Табиий ресурслардан мажмуали фойдаланиш - худудий ва тармоқлараро мажмуалар шаклланишининг табиий асоси. Табиий ресурслар - ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш омили эканлиги. Табиий ресурслардан хўжалик тармоқларида фойдаланиш даражасига кўра гуруҳларга ажратиш ва уларнинг атроф - муҳит элементларига таъсири. Жамият миллий бойлигини шаклланишида табиий ресурсларнинг роли. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда табиий ресурсларнинг аҳамияти.

Табиат ресурсларидан фойдаланилганлиги учун тўловларнинг рағбатлантирувчи аҳамияти. Бирлашма, корхона ва ташкилотларда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштириш. Табиатни муҳофаза қилиш резерв фондлари. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш учун ажратиладиган капитал маблағ ҳажми. Капитал маблағ самарадорлигини ҳисоблаш. Табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришнинг давлат тизими шаклланиши. Табиатни муҳофаза қилишни бошқариш ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилиши учун жиноий, молиявий жавобгарликка тортиш чораларини кўллашнинг хусусиятлари.

Давлат экологик экспертизасининг илмий назарий асослари, усул ва мезонлари. *Экологик экспертиза ташкилотларининг мақсад ва вазифалари.* Экологик экспертиза ташкилотларининг ягона давлат назорати. Давлат экологик экспертизаси ҳақида.

Ер ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш

Ерларни иқтисодий баҳолаш ва улардан фойдаланиш. Ерлар ҳолатининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар. Шўрланиш, ерларни иккиламчи шўрланиши, эрозия, ботқоқлашув. Ерлардан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш. Рекультивация ва мелиорация, тупроқ эрозиясига қарши кураш. *Ўзбекистон ерларини баҳолаш.* Ер кадастри. Ерларни пестицидлар, минерал ўғитлардан ифлосланиши ва уларни атроф – муҳит ҳамда инсонга таъсири. Ўзбекистон ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш

Атмосфера ҳавосининг аҳамияти ва тузилиши. Атмосфера ифлосланишининг асосий манбалари ва уларнинг атроф – муҳит ҳамда инсонга таъсири. "Парник эффекти" ҳақида тушунча. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва ҳозирги аҳолини баҳолаш. Атмосфера ҳавосини ўзгариш сабаблари. Экологик омилларни ҳисобга олиб ишлаб чиқариш кучларини

жойлаштириш. *Атмосфера ҳавосини ифлосланиши даражасини назорат қилиши.* Атмосфера ҳавосини ифлосланишининг салбий оқибатлари. Шаҳарлар ҳавосининг ифлосланиши. Атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар.

Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш

Сув ресурслари, уларнинг таркиби. Инсон ҳаётида ва табиатда сувнинг аҳамияти. Ўзбекистон сув ресурсларининг аҳволи ва ривожланиши. Сув ресурсларининг ифлосланишини асосий манбалари. Океан, денгиз, кўл, дарё ва ер ости сувларнинг ифлосланиши. *Сув ресурслари ифлосланишининг атроф – муҳитга ва инсонга таъсири.* Сувларни ифлосланиши ва улардан нооқилона фойдаланишнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий оқибатлари. Сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари. Корхоналарда сувдан комплекс фойдаланиш. Қишлоқ хўжалигида суғориш иншоотларини такомиллаштириш. Сув ресурсларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Сув манбаларидан тўғри фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш кўрсаткичлари тизими. Сув сарфига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш. Сувни муҳофаза қилиш учун қўлланиладиган чора - тадбирлар.

Табиатни муҳофаза қилишдаги халқаро ҳамкорлик ва уларнинг амалдаги фаолияти

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик тизимининг шаклланиши. Ҳамкорликнинг табиий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шарт - шароитлари. Атроф - муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро аспектлари. Экологик муаммоларни ҳал этишдаги тажриба ва миллий дастурлар. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари. *Атроф - муҳитни муҳофаза қилишда халқаро ташиқлотлар.* Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва принциплари. Халқаро ҳамкорликнинг битим ва дастурлари. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан тўғри фойдаланишда халқаро ҳамкорликнинг самаралари.

Ўрта Осиё давлатларида табиатдан фойдаланишнинг регионал муаммолари

Табиатдан фойдаланиш миқёсининг кенгайиши билан экологик муаммоларнинг чуқурлашиши ўртасидаги алоқадорликка хос хусусиятлар. Экологик - иқтисодий тизим тушунчаси. Хўжалик фаолиятининг табиат ва инсонга таъсири. Ўрта Осиё табиатининг ўзига хос хусусиятлари ва турли

районлар табиий шароитларидаги фарқлар. Жаҳон ва МДХ мамлакатлари миқёсида экологик вазияти мураккаб бўлган ҳудудлар. *Шаҳар агломерацияси, урбанизациялашган ҳудудларда табиатни муҳофаза қилиш.* "Экологик танглик" ҳолати вужудга келган Ўрта Осиё ҳудудлари.

Табиат мувозанатининг Орол муаммоси натижасида ўзгариб бориши ва уни бартараф этиш йўллари

Ўрта Осиёда чўллашиш муаммоси. *Орол муаммоси – табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларнинг салбий оқибатидир.* Орол муаммоси - табиат қонунларини инкор этиш натижасидир. Орол денгизи ва Орол атрофи муаммосининг табиий ва экологик жараёнга таъсири. Орол денгизининг ҳозирги ҳолати. Орол муаммосининг табиий, ижтимоий, иқтисодий оқибатлари. Орол муаммоси масаласида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг шахсий ташаббуси ва саъйи - ҳаракатлари. Орол муаммосининг халқаро муаммога айланиши. Орол муаммосини ҳал этиш йўллари.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ

"Экология" фанининг предмети, тадқиқот усули ва вазифалари, унинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси

Мазкур фанни вужудга келишининг асосий омиллари. Фаннинг объекти, предмети ва вазифаси. Фаннинг ҳозирги даврдаги аҳамияти*. Унинг табиий, гуманитар ва техник фанлар билан ўзаро алоқаси.

Ишлаб чиқариш жараёнида жамият билан атроф - муҳитнинг ўзаро алоқадорлиги

Табиий, атроф ва географик муҳит ҳақида тушунча.

Инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларини такомил - лаштиришга таъсир этувчи омиллар ва ижтимоий шароит.

Жамият ва табиат ўзаро таъсирининг тарихий таҳлили*.

Антропоген таъсир натижасида вужудга келган ҳозирги замон экологик вазияти. Табиат муҳофазаси тушунчаси.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми ва атроф - муҳитни муҳофаза қилишни рағбатлантириш омиллари

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий равнақида табиий ресурсларнинг роли ва аҳамияти.

Ресурслар классификацияси.

Табиий ресурслардан мажмуали фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва ҳудудий тизимини такомиллаштириш омили.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини шаклланишида табиий ресурсларнинг роли.

Табиий ресурсларини иқтисодий баҳолашни назарий асослари.

Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш омилларини ҳисобга олиш.

Ҳозирги даврда табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашни аниқлаш ва шаклланиш тамойиллари.

Ер, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, минерал хом ашё, ёқилғи - энергетика, сув ресурсларини баҳолаш тизими*.

Фан - техника тараққиёти. Табиатни муҳофаза қилиш бошқарувини ташкил қилиш

Табиатдан оқилона фойдаланишда ФТТнинг моҳияти ва аҳамияти.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш вазифаларини ҳал қилишда ФТТнинг асосий йўналишлари.

Фан ва техника - жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучи эканлиги.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишда халқаро илмий - техник ҳамкорлигини ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилишни бошқариш органлари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, унинг вазифалари.

Табиатни муҳофаза қилиш бошқаруви ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишни такомиллаштириш.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича асосий қонуний ҳужжатлар*.

Ер ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш

Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг таҳлили*.

Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш. Уларни ўзгартириш омиллари.

Ер кадастрининг аҳамияти ва унинг вазифалари.

Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан тўғри фойдаланишнинг асосий йўналишлари.

Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш

Сув ресурслари таҳлили. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигининг аҳволи ва ривожланиши. Орол ҳавзаси. Ўрта Осиёнинг сув манбалари. Ўзбекистон сув ресурслари.

Сув ресурсларини ифлосланиш манбалари. Сувдан хўжасизларча фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган оқибатлар*.

Сув ресурсларига таъсир этувчи омиллар (табиий, иқтисодий ва ижтимоий).

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича тадбирлар.

Табиатни муҳофаза қилишдаги ҳалқаро ҳамкорлик ва уларнинг амалдаги фаолияти

Табиатни муҳофаза қилишда БМТ нинг роли*.

"Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳалқаро Иттифоқи" (МСОП) ни ташкил этилиши. ЮНЕСКО нинг "Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик тараққиёт" резолюцияси ва чўллашишга қарши режа қабул қилиниши (ЮНЕП). БМТнинг 22 сессияда ЭНЕП (атроф – муҳит тўғрисида БМТнинг дастури). 1981 йил, августда Найроби (Кения) да БМТнинг конференцияси. 1982 йили БМТнинг табиат хартиясини қабул қилиниши. 1985 йил мартда Вена (Австрия) да стратосфера қатламидаги озонни муҳофаза қилиш бўйича конференция. 1986 йил БМТ қошида МАГАТЭни тузилиши. 1990 йил январда Москва шаҳрида "Атроф – муҳитни муҳофаза қилишнинг Глобал форуми". 1992 й, июнда Рио - де - Жанейро, 2002 йил сентябр ойида Йоханнесбург шаҳарларида экологларнинг йиғилиши ва унда Ўзбекистон олимларининг илмий маърузаси.

Ўрта Осиё давлатларида табиатдан фойдаланишнинг регионал муаммолари

Ер юзида ва Ўрта Осиёда чўллашиш муаммолари. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси*.

Табиат ифлосланиши сабабли вужудга келган муаммолар. Орол денгизи ва унинг атрофи, Балхаш кўли, Иссиқкўл муаммолари. Ўрта Осиёда экологик шароити мураккаб бўлган ҳудудлар. Ўрта Осиё давлатлари раҳбарларининг табиатни муҳофаза қилишга оид саъйи - ҳаракатлари.

Орол муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари

Орол денгизи ва уни атрофига табиий - географик таъриф. Орол денгизининг қуриб бориш сабаблари*.

Орол денгизига келадиган сувлар (Амударё ва Сирдарё) нинг кейинги 60 йилдаги ҳажмига оид график, диаграмма тузиш. Орол бўйи минтақасининг табиий, ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммолари. Орол муаммоси – чўллашиш ва табиат қонунларига зид равишда ҳаракат қилиш оқибатидир. Табиий, тарихий, иқлимий, геологик жараёнлар ва Орол денгизи.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

Кўргазмали - намойиш материаллар:

- Ўзбекистон Республика экологик харитаси.
- Ўзбекистоннинг табиий географик харитаси.
- Ресурслар классификацияси (схема).
- Табиий ресурслар классификацияси (схема).
- Ўзбекистон Ер фонди (жадвал).
- Жаҳон Ер фонди (жадвал).
- Атмосферанинг тузилиши (расм).
- Атмосфера ҳавосини ифлосланиш омиллари (схема).
- Сувнинг ифлосланиш омиллари (схема).
- Ер юзида, Ўзбекистонда сув ресурслари (даграмма).
- Сувга оид аэро - космик фото ахборотлар.
- Табиатни муҳофаза қилишдаги аспектлар (схема).
- Орол денгизи, Чорвоқ сув омбори ва уларнинг атрофини коинотдан кўриниши (космик фотоахборот).
- Ер шарида аҳолининг ўсиш диаграммаси.

Дидактик материаллар:

- - мавзулар бўйича ишлаб чиқилган тарқатма материаллар;
- - талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган тест саволлари;
- - ёзма иш вариантлари ва мавзулар бўйича услубий кўрсатмалар.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фанни талабалар қандай ўзлаштирганлигини назорат қилиш ишлари тест, ёзма иш, талаба бажарган мустақил ишлар конспекти, схема, диаграмма, графикларни баҳолаш орқали олиб борилади.

Фан бўйича талабалар жорий, оралик ҳамда якуний баҳолашдан ўтказиладилар.

Жорий ва оралик баҳолаш бўйича талаба тўплаши мумкин бўлган максимал рейтинг балининг миқдори ўқув режасида фанга ажратилган умумий соатнинг 70 фоизи миқдорида белгиланади.

Якуний баҳолаш тест ёки оқзаки сўров усулида ўтказилади. Якуний баҳолаш бўйича бакалавр фанга ажратилган умумий соатлар миқдорининг 30 фоизи яъни 10,8 миқдорида балл тўплаши мумкин.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари –Т.: Ўзбекистон , 1998.
2. Бабина Ю.В., Варфоломеева Э.А. Экологический менеджмент: Учебное пособие. - М.: ИД Социальные отношения, Перспектива, 2002.
3. Владимиров Е.В. Охрана окружающей среды. –М.: Высшая школа, 1991.
4. Миланова Е.В., Рябчиков А.М. Использование природных ресурсов и охрана природы. Учебное пособие для ВУЗов. –М.: Высшая школа,1996.
5. Мамедов М.А. Основы экологии. –М.: Мысль,1996.
6. Хачатуров Т.С. Экономика природопользования. –М.: Социальные отношения,1991.
7. Гуломов П.Н. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг географик асослари. –Т.: Университет,1990.
8. Тўхтаев А., Хамидов А. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. –Т.: Ўқитувчи,1994.
9. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. – Т.: Ўқитувчи,1997.
10. Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. – Т.: Ўзбекистон,1997.
11. Шилов В.А. Экология: Учеб. Для ВУЗов. 3 - е изд., стер. - М.: Высшая школа,. 2001.
12. Рафиқов А.А. Орол тақдири. – Т.: ФАН,1990.
13. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1,2 жилдлар. – Т.: Қомуслар бош тахририяти, 2000, 2001.

Қўшимча адабиётлар

1. Акромов З.М., Рафиқов А.А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Бекназов У., Новиков Ю.В. Охрана природы. –Т.: Ўқитувчи, 1998.
3. О состоянии окружающей среды и использование природных ресурсов Республики Узбекистан (Национальный доклад). –Т. 1993.
4. Гуломов П.Н. Инсон ва табиат. –Т.: Университет, 1994.
5. Реймерс Н.Ф. Природопользование (справочник - словарь). –М.: Высшая школа, 1990.